



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ
Кузатув Кенгаши Раиси

_____ Е.С. Ма

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ
Кузатув Кенгаши баённомаси
29.11.2021 йилдаги 19-сонли

**2022 йил учун
"UNIVERSAL SUG`URTA"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
БИЗНЕС - РЕЖАСИ**

Тошкент 2021

МУНДАРИЖА:

- 1. «Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот**
- 2. Суғурта бозори таҳлили**
- 3. 2021 йил 9 ойлиги яқунлари бўйича Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни**
- 4. 2021 йил 11 ойлик яқунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот**
- 5. 2022 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси**
- 6. 2022 йил учун молия режаси**

«Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот

1. Компания номи.
**«Universal Sug`urta» Акциядорлик жамияти, қисқача номланиши
«Universal Sug`urta» АЖ.**
2. Мулкчилик шакли:
Акциядорлик жамияти
3. Жойлашган ери ва банк маълумотлари:
**Ўзбекистон Республикаси, 100077 Тошкент ш., Буюк Ипак йули кўчаси 218-220 уй
Банк маълумотлари: х/в 2021 6000 5001 2295 3001 «Универсалбанк» ХАТБ
Тошкент филиали**
4. Солиқ органи номи ва СТИР:
**Тошкент шаҳри Мирзо-Улугбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси
СТИР 200 811 765**
5. Давлат рўйхатидан ўтган рақам ва санаси ва Жамиятни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказган орган:
**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги:
2003 йил 24 июл 189-сон билан.
2007 йил 19 ноябрь 189-сон билан.- Уставнинг янги тахририни рўйхатдан ўтказиш;
2008 йил 14 январь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2008 йил 2 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2009 йил 30 июль 254-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2009 йил 16 декабрь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2009 йил 30 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2011 йил 13 июль 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2012 йил 20 июнь 189-сон билан. – Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2014 йил 26 май 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2014 йил 25 июнь 189-сон билан - Уставнинг янги тахририни рўйхатдан ўтказиш;
2014 йил 26 сентябрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2015 йил 11 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;
2016 йил 13 декабрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни**

рўйхатдан ўтказиш.

2017 йил 14 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

2018 йил 7 май 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

2020 йил 25 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия

30.12.2015 йилда СФ № 00210-рақам билан берилган

7. Шакллантирилган усов фондининг миқдори 25 005 660 000 сум сўмни ташкил этади.
8. Молиявий барқарорлик рейтинги:
«uzA+» - «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан берилган молиявий барқарорликнинг энг юқори даражаси

Суғурта бозорини таҳлили

2021 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича суғурталовчилар томонидан 2 149,2 млрд. сўм миқдорига суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, ўтган йил кўрсаткичларига нисбатан 160 фоиз ўсганини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, 2021 йил 9 ойлиги яқунлари бўйича суғуртанинг барча турлари бўйича суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари суммаси умумий қиймати 290,3 млрд сўмни ташкил этади, бу эса ўз навбатида 2020 йил натижасига нисбатан 149% фоиз ўсишни намойиш этади.

2021 йил 9-ойлик яқунлари бўйича суғурта тўловларининг ҳажми динамикаси (ўзгариш суръати) суғурта тўловларининг ўсиш суръати суғурта мукофотини йиғими суръатидан пастлигини кўрсатади.

2021 йилда суғурта тўловларининг ўсиши ихтиёрий ва мажбурий суғурта бўйича тўловларни ўсиши ҳисобига тўғри келади.

Шу билан бирга, суғурта мукофотлари зарарлилик даражаси 18,16% ни ташкил этганлигини, бу эса ўтган йил кўрсаткичларидан пастлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни

2021 йил 9 ойлиги яқунлари бўйича «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йиғими 16,02 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, суғурта бозоридаги суғурта мукофотлари умумий ҳажмининг 0,74 %ига тўғри келади ва бозорда 23 ўринни эгаллайди (прогноз бўйича 2021 йилда Компаниянинг суғурта мукофоти йиғими 21 50 млрд.сўм атрофида кўзда тутилган).

Дастлабки натижаларга кўра, «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йиғими пасайганини кўрсатди. Ўтган йил натижалари билан таққослаганда, суғурта мукофоти йиғими тахминан 92%ни ташкил этади.

2021 йил 9 ойлиги якунлари бўйича суғурта тўловлари ҳажми 2 792.5 млн сўмни ташкил этиб, бу бозордаги суғурта тўловлари ҳажмининг 0,71% и демакдир, зарарлилик даражаси эса 17,42%ни ташкил этган (бозор бўйича зарарлилик даражаси 18,16%ни кўрсатган). Йил натижаси бўйича тахминий зарарлилик шу даражада қолиши мумкин.

2021 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот

Жорий йилнинг 11 оyi давомида бизнес-режада белгиланган мақсадларга мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. 2021 йил 9 оyi давомида 16,02 млрд.сўм миқдоридаги суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, бу кўрсаткич йилнинг якунига бориб тахминан 21.5 млрд.сўмни ташкил этиши мумкин, бу эса 2021 йил учун белгиланган режанинг тахминан 62% ёки бўлмаса ўтган йилдаги йиғимнинг 84% ни ташкил этади. (2020 йилда 25,5 млрд.сўм миқдорида мукофот йиғилган).
2. Сотувни кўпайтириш ва Жамиятнинг ривожланиш стратегиясида кўзда тутилган вазифаларга эришиш учун янги бўлимларни очиш ҳамда сотув бўлинмаларидаги ишчиларнинг миқдорий ва профессионал таркибини кўпайтириш орқали Компаниянинг ҳудудий тармоқларини мустахкамлаш, фойда келтирмаётган бўлинмаларни қисқартириш кўзда тутилган эди.

Шу мақсадда, 2021 йил 11 оyi давомида худдуй филиалларда рентабеллик кўрсаткичи жуда паст булган баъзи бўлимларнинг фаолияти тўхтатилган.

3. Компаниянинг моддий-техник базасини яхшилаш қуйидаги асосий воситаларни харид қилиш ҳисобига амалга оширилди:

Номи	2021 йилга бюджет бўйича сумма.	2021 йил давомида харид қилинган .
Офис жихозлари	180 млн.сўм	2,03 млн. сўм
Оргтехника	225 млн.сўм	17,55 млн. сўм
Автомашиналар	1 300 млн.сўм	0 сум
Жами	1 705 млн.сўм	19,58 млн. сўм

2022 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси

2022 йилда Компания фаолиятининг асосий йуналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

1. Суғурта мукофотининг тахминий йиғими 23,58 млрд.сўм миқдорида бўлиши.

2. Янги бўлимларни очиш ва сотиш бўйича бўлинмалар ишчиларининг миқдорий ва профессионал таркибини ошириш йўли билан Компаниянинг минтақавий тармоқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
3. Компаниянинг сотиш бўйича бўлинмалари ва маъмурий- бошқарув таркиби ишчиларини рағбатлантирувчи тизимларини такомиллаштириш (суғурта бозоридаги кескин рақобат шароитида савдони ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун мукофотлар ва қўшимча бонусларни ҳисоблашда умумий харажатлар нисбати хажмини ошириш орқали).
4. Қўшимча янги оргтехникаларни харид қилиш, эскирганларини алмаштириш, ва керакли жихозлар ва автотранспорт воситаларини харид қилиш йўли билан Компаниянинг, шу билан бирга унинг минтақавий филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Номи	2022 йилда харажатлар суммаси
Офис жихозлари	180 млн.сўм
Оргтехника	225 млн.сўм
Автомашиналар	1 300 млн.сўм
Жами (прогноз)	1 705 млн.сўм

5. Компанияни танитиш, янги мижозларни жалб қилиш ва янги суғурта хизматларини таклиф қилиш мақсадида 1,0 млрд. сўмдан кам бўлмаган маблағни жалб қилган ҳолда реклама акциясини амалга ошириш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПП-4412 сонли қарорининг 1-бандида суғурта бозорини ислох қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган. Ушбу йўналишларнинг бири сифатида суғурта фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини жадал тадбиқ қилиш ва ривожлантириш белгиланган.
Шу билан бирга, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича онлайн режимда электрон шаклда полислар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор қабул қилинган.

Шу мақсадда, 2022 йилда юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш, ҳамда дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва татбиқ этиш йўли билан Компаниянинг ҳисоб ва ҳисоботлар тизимини мақбуллаштириш учун тахминан 12,0 млрд сўм миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилади.

2022 йил учун тахминий молиявий кўрсаткичлар

1. Асосий фаолият бўйича даромадлар прогнози

2022 йил учун белгиланган режаларга мувофиқ, суғурта мукофотлари йиғими тахминан 23,58 млрд.сўм миқдорида бўлади .

2. Компаниянинг инвестиция фаолиятдан олинadиган даромади прогнози

Компания ўзининг инвестиция фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти туғрисида”ги, “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти туғрисида”ги, “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари туғрисида”ги Низомларига – суғурта ташкилотларинг инвестиция фаолиятига қўйилган талабларга мувофиқ амалга оширади. Компания тахминан 6.72 млрд.сўм миқдорда инвестициялардан даромад олишни мақсад қилиб қўйган.

3. Компаниянинг харажатлари прогнози

Компаниянинг маъмурий ва бошқа операцион харажатлари

2022 йил учун Компаниянинг операцион харажатлари прогнози 2021 йил 9-ойлик ишлар якуни бўйича жорий харажатлар таҳлилига асосланади. Дастлабки ҳисобкитобларга кўра, солиқ ва бюджетга тўловларни инобтга олган ҳолда Компаниянинг операцион харажатлари (таннарх ва маъмурий ва бошқа харажатлар) тахминан 25.37 млрд.сўмни ташкил этади.

Бунда, Компания ижроия органига (Бош директорга) қуйидаги ҳақ, компенсация ва бошқа тўловларни ўрнатиш белгилансин:

- Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баравари миқдорда ойма-ой тўланадиган ҳақ (иш ҳақи);
- Иш ҳақига қўшимча равишда Жамият фаолияти самарадорлигига қараб, ҳар квартал натижаси бўйича ойлик иш ҳақининг 3 бараваригача ҳақ (мукофот);
- Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2000 (икки минг) бараваригача миқдорда йил якуни бўйича бир йўла тўланадиган ҳақ;
- Мехнат шартномасини муддатидан аввал бекор қилинганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2000 (икки минг) бараваригача миқдорда бир йўла тўланадиган ҳақ.

Компаниянинг юқорида келтирилган даромал ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда 2022 йилдаги тахминий фойдаси 1.97 млрд.сўмни ташкил этади.